I полугодие 2007

# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!




2007 ЙИЛ, 1 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 1 (10.810)

Баҳоси эркин нархда


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

*Азиз юртдошларим, ватандошларим!*

*Авваламбор, барчангизни кириб келаётган янги — 2007 йил билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Бугун биз якунига етиб бораётган 2006 йилни кузатар эканмиз, йил давомида бошимиздан кечирган қувончли ва ташвишли кунларни, юртимиз ҳаётидаги муҳим ва унутилмас воқеаларни беихтиёр хаёлимиздан ўтказишимиз табиийдир.*

*Ўз поёнига етаётган йил мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида, ҳаётимизнинг барча йўналишларида олдин бошлаган ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимизнинг фаровонлигини оширишда алоҳида ўрин эгаллайди, десак, ўйлайманки, хато бўлмайди.*

*Иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари 107,2 фоизни ташкил этгани, харидорбоп маҳсулотларимизни четга сотиш, яъни, экспорт миқдори тахминан 30 фоизга, олтин-валюта заҳираларимиз 33 фоизга, давлат бюджетимизнинг ҳажми 27 фоизга ўсгани, шулар ҳисобидан меҳнаткашларимизнинг реал иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар 36 фоизга кўпайгани, инфляция — нарх-навонинг ўсиш даражаси эса 7 фоиздан ошмагани мамлакатимиз жорий йил мобайнида қандай юксак марраларга эришганининг яққол тасдиғидир.*

*Шу билан бирга, Ҳомийлар ва шифокорлар йили доирасида амалга оширган тадбирларимиз, саховат ва мурувват туйғулари билан йўғрилган саъй-ҳаракатларимиз, шу мақсадда 280 миллиард сўмдан зиёд давлат бюджети ва ҳомийлик маблағлари сарфлангани аҳолининг, авваламбор, кўмак ва мададга муҳтож тоифаларнинг оғирини енгил қилишда катта амалий ёрдам бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*

*Ўтган йили иқтисодиётимизни ривожлантириш, эл-юртимиз фаровонлигини ошириш йўлида қўлга киритган ана шундай ютуқларимиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, қисқа ва лўнда қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизни модернизация қилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат бошқарувини либераллаштириш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ эканини яхши англаб олишимиз зарур.*

*Шу борада амалга оширилаётган қатъий ўзгаришлар, авваламбор, ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларни замон талаблари даражасига кўтариш, хусусий мулк эгаларига, кичик бизнес ва тадбиркорликка, қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерлик ҳаракатига ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатдан кенг йўллар очиб бериш, уларни жамиятимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи, мамлакатимиз истиқболининг ҳал қилувчи кучига айлантириш масалаларига қаратилгани ва бу вазифалар бундан буён ҳам давлатимизнинг эътибор марказида бўлишини таъкидламоқчиман.*

*Халқимизнинг эзгу орзу-умиди бўлмиш баркамол авлод, комил инсон тарбиясини ўз олдига мақсад қилиб қўйган умуммиллий дастурларимиз, шу жумладан, Кадрлар тайёрлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш йўлида бажарган ишларимиз жамиятимизни янги босқичга кўтариш, юксак марраларни эгаллашга хизмат қилаётганини ҳозирнинг ўзида кузатиш қийин эмас.*

*Бугунги ҳаётимизнинг кўзга ташланаётган муҳим аломатлари ва моҳияти ҳақида гапирганда, аввало, юртдошларимизнинг ички дунёси, онгу тафаккури тубдан янгиланиб, ижтимоий ва сиёсий фаоллиги тобора ортиб бораётгани — буларнинг барчаси замонамиз қанчалик ўзгараётганининг энг ёрқин белгиси, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.*

*Ишончим комил, мана шу саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган барча инсонлар, миллати, тили ва динидан, қараш ва эътиқодидан қатъи назар, бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг энг катта бойлиги, Оллоҳнинг ўзи бизга инъом этган бебаҳо неъмат бўлмиш юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва барқарорлик, жамиятимизда мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик эканини чуқур англайди ва юксак қадрлайди.*

*Азиз дўстлар!*

*Бугун, барчамиз байрам дастурхонлари атрофида жамулжам бўлиб ўтирган мана шу файзли оқшомда, табиийки, ўй-хаёлларимиз, фикру зикримиз янги йил билан чамбарчас боғланиб, бу йил ҳам оиламизга, элу юртимизга тинчлик-омонлик, яхшилик ва тўкинлик олиб келсин, деб эзгу ният қиламиз.*

*Ана шундай орзу-умидларнинг ушалиши учун кириб келаётган Янги йилда ҳам энг устувор вазифамиз — авваламбор, ён-атрофимиз ва дунёдаги ўта мураккаб вазиятни инобатга олган ҳолда, халқимизни ҳар қандай хавф-хатарлардан асраш, уйимиз, оиламиз, Ватанимизнинг осойишталиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш мақсадида бутун кучимизни сафарбар этишимиз зарур, десам, ўйлайманки, бу фикрга сиз, қадрли юртдошларим, албатта қўшиласиз.*

*Айни вақтда мамлакатимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш, аҳолимизнинг қабул қилинаётган қарорлардан хабардор бўлиш ва уларнинг ижросини таъминлашга таъсир ўтказиш имконини кенгайтириш, жамоатчилик назоратини янада кучайтириш — ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга етиш учун ғоят муҳим аҳамият касб этади.*

*Ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш бўйича 2006 ва ундан олдинги йилларда бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттириш, жумладан, ишчи-хизматчиларимизнинг ойлик иш ҳақи ҳамда пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ўтган йилга нисбатан кўпроқ ошириш масаласи ҳам янги йилдаги режаларимиз қаторига киради.*

*Айниқса, азиз фарзандларимизнинг келажагини ўйлаб, бор куч ва имкониятларимизни ишга солиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, табаррук кексаларимизнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш сингари масалаларга ҳам доимий эътибор қаратишимиз табиий.*

*Шу маънода, 2007 йилга «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном берганимиз замирида ҳам, аввало, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш, муҳтож инсонлар ва кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш каби олижаноб мақсадлар мужассам экани барчамизга аён.*

*Бир сўз билан айтганда, 2007 йилда амалга оширадиган режа ва дастурларимизнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаси ўтган йиллардагидан асло кам бўлмайди, деб ишонтириб айтишга барча асосларимиз бор.*

*Азиз дўстларим, биродарларим, қадрли ватандошларим!*

*Мана шундай шукуҳли дамларда ер юзидаги барча мўмин-мусулмонлар қатори муборак Қурбон ҳайитини шоду хуррамлик билан байрам қилаётган сиз, азизларни, бутун халқимизни чин дилдан қутлаб, ўзимнинг самимий тилакларим, меҳр ва ҳурматимни изҳор этаман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат ва омад тилайман.*

*Янги — 2007 йилнинг қадами қутлуғ ва хосиятли келсин!*

*Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!*

*Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!*

*Янги йил барчамизга муборак бўлсин!*

***Ислом КАРИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти***

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИГА МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙИТИ ВА ЯНГИ — 2007 ЙИЛ КИРИБ КЕЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ВА ҲУКУМАТЛАР РАҲБАРЛАРИДАН САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР КЕЛМОҚДА**

**● Вобкент туманида Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент юқори босимли газ қувурига уланган тақсимлаш станцияси ишга туширилди.**

**● Ғиждувон тумани, Зафаробод қўрғонидаги 37-мактаб ўқувчилари Янги йилни янги мебеллар билан жиҳозланган синф хоналарида қарши оляптилар. Зеро, мактабни ўз оталиғига олган 5-кон бошқармаси вилоятнинг энг чекка ҳудудида жойлашган билим даргоҳига 456 та парта, 18та синф доскаси, 58та шкаф, стол-стуллар, китоб жавонларини туҳфа этди.**

**●Самарқандда темир йўл соҳасида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг якунланиши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Айтиш керакки «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК мазкур банк билан ўн йил давомида самарали ҳамкорлик қилиб, иккита лойиҳани амалга оширди.**

**●Тошкент туманида яна бир тўқимачилик корхонаси бунёд этилди. Ҳасанбой қўрғонида қад ростлаган бу иншоот «Мурувваттекс» корхонаси тасарруфида фаолият кўрсатади. Тез орада корхона 400 нафар чеварни ўз бағрига олади.**

**●«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖ Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан шаҳардаги 72 та кўп қаватли бинони тўлиқ таъмирдан чиқарди. Ушбу мақсадлар учун 1 миллиард 750 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.**

**● Тошкентдаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Ёшлик» ҳокимияти «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида Янги йил базми ўтказилди. Унда шаҳарчада истиқомат қилувчи фаол талабалар, «Камолот» ЁИҲ, «Маънавият ва маърифат» марказида, «Ёшлик» ҳокимиятида фаолият юритаётган ёшлар иштирок этишди.**

**●Сурхондарё вилоятидаги «Шўрчидонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти ҳомийлигида 68-мактаб-интернатга барча қулайликларга эга, замонавий усулда бунёд этилган, сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланган янги амбулатория биноси қуриб берилди.**

**●Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги Қорасув шаҳрида янги болалар спорт мажмуаси ўз эшикларини очди. Қурилиш ишларида 1 миллиард 612 миллион сўм ўзлаштирилган бўлса, яна 217 миллион сўм спорт иншоотини турли асбоб-инжомлар билан жиҳозлаш учун ажратилди. Янги спорт комплекси Халқ таълими вазирлиги қошидаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг маблағлари ҳисобига қад ростлади.**

### ЖАҲОНДА

**●Бугундан бошлаб Болгария ва Руминия Европа Иттифоқи таркибига кирди. Шу тариқа, ушбу нуфузли халқаро ташкилот аъзолари сони 27 тага етди.**

**●Европа Иттифоқи «Газпром» ва Беларусь ҳукуматига мурожаат қилиб, томонларни газ етказиб бериш юзасидан тузилган шартномани тезроқ имзолашга чақирди. Айтиш керакки, агар томонлар бу борада якдил келишувга эришмаса, Европага газ етказиб беришда узилишлар содир бўлиши мумкин.**

**●Ҳукуматга тегишли ҳарбий кучлар ва Эфиопия ҳарбийлари ҳамкорлигидаги операциялар натижасида Сомали пойтахти Могадишо эгалланганидан сўнг мамлакат маъмурлари юртларига қайтмоқдалар. Хусусан, кеча Могадишога қайтган мамлакат президенти халқни бирдамлик ва тинчликни сақлашга чақирди. Ҳозирда ислом судлари иттифоқи жангарилари қўлида мамлакат ҳудудининг фақат 5 фоизгина қисми қолди.**

**●Янги йил арафасида шаҳар маъмурларининг ташаббуси билан Нью-Йоркда «Тинчлик, умид, байрам» сўзлари ёзилган 3 тонна конфетти (майда қоғоз парчалари) бамисоли қор сингари ёғдирилди.**

**●Испания пойтахти Мадрид шаҳрининг Барахос аэропортида баскларнинг ЭТА айирмачи гуруҳи томонидан яна бир террорчилик ҳаракати содир этилди. Портловчи моддалар билан тўлдирилган автомашинанинг портлатилиши натижасида 30 киши ярадор бўлди, 2 киши бедарак йўқолди.**

**●Индонезиянинг Ява ва Борнеу ороллари оралиғида «Синапати» пароми чўкиб кетди. 600 кишидан иборат паром йўловчиларидан 68 кишини қутқариб қолишга муваффақ бўлинди.**

**● Мисрда инсон саломатлиги учун хавфли бўлган «парранда гриппи» касаллиги навбатдаги қурбонини ҳаётдан олиб кетди. Гария вилоятида яшовчи паррандачилик билан шуғулланиб келган 26 ёшли Рид Фарид Абдул Ҳаким H5N1 вирусининг ўнинчи қурбонига айланди. Бундан олдин Ҳаким оиласининг икки аъзоси ҳам юқоридаги хасталик туфайли ҳаётдан кўз юмганди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **«КАМОЛОТ» ЁИҲ** Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Ўрда» маҳалласида «Камолот»дан туҳфа» лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбир давомида, кам таъминланган оилалар фарзандларига, кексаларга Янги йил совғалари туҳфа этилди.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманида ҳуқуқшунослар, адвокатлар, суд ва прокуратура соҳаси вакиллари ҳамда суд ижрочилари иштирокида уюштирилган тадбирда суд ижрочилари фаолиятининг аҳамияти борасида сўз борди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Молия-иқтисодиёт коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбир «Гўзал ахлоқ сирлари» деб номланди.

● **МАРКАЗИЙ** офицерлар уйида ўтказилган тадбирда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг аҳамияти хусусида фикр алмашилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликларида Янги йил муносабати билан шаҳримиздаги кам таъминланган оилалар фарзандларига спорт анжомлари ва кийимлар топширилди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ШОДИЁНАЛАРИ БОШЛАНДИ



**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "ТУРКИСТОН" САРОЙИДА АНЪАНАВИЙ "ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ" ШОДИЁНАЛАРИ БОШЛАНДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН БУ ЕРГА СЕРФАРЗАНД, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИ, МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ, МАХСУС МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ.**

Ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар айнан шу эзгу мақсадга хизмат қилаётир. Ижтимоий адолат, бағрикенглик, инсонпарварлик тамойиллари амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.



Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда унинг мантиқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури янги таълим масканлари барпо этиш, мавжудларини капитал ва жорий таъмирлаш, уларни замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш баробарида ўғил-қизларга пухта ва мукаммал таълим-тарбия олиш имконини бермоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида аввалги йилларда бошланган эзгу ишлар изчил давом эттирилиб, уларни янги, юксак босқичга кўтаришга йўналтирилган чора-тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари томонидан Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган 2007 йилда бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгаяди.

...Саҳнада Қорбобо ва Қорқиз, турли эртаклар қаҳрамонлари пайдо бўлади. Байрамга атаб саҳналаштирилган «Мўъжизалар бор экан!» томошаси болаларга катта қувонч бағишлайди. Эстрада юлдузлари, цирк усталари, «Томоша» болалар студияси, моҳир ижрочилар, болалар бадиий жамоалари иштирокидаги мусиқий дастурларни ҳам шодиёна иштирокчилари қувонч билан кутиб оладилар. Тадбир болажонлар ижросидаги «Президент арчаси» қўшиғи билан якунланади.

Байрамда иштирок этган барча ўғил-қизларга Президент совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов иштирок этди.

"Президент арчаси" шодиёналари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда давом этмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**
**Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар.**

## «ЯНГИ АСР АВЛОДИ»

нашриёт-матбаа маркази

барча юртдошларимизни

**янги 2007 йил билан**

чин дилдан

муборакбод этади.




Янги йил ҳаммамизга тинчлик,
хотиржамлик, тўкинлик,
бахт ва омад олиб келсин.
Энг эзгу орзуларингизнинг
рўёбга чиқишига тилакдошмиз.
**2007 йил қутлуғ бўлсин,азизлар!**

## Қадрли юртдошлар ва азим пойтахтимизнинг ҳурматли меҳмонлари!

Барчангизни 2007—Янги йил байрами билан чин кўнгилдан, меҳр-муҳаббатла муборакбод этамиз.

Сизларга соғлик-саломатлик, элимизга тинчлик, барқарорлик, оилаларимизга тўкинлик, қут-барака тилаймиз.

Йўлларингиз ҳамиша равон ва бехатар бўлсин!

**12-автобус саройи очиқ акциядорлик жамияти жамоаси**





## «ИФФАТЛИ КЕЛИН»



### ЎҚУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

*Ҳамшаҳарларимизни
Янги йил байрами билан
чин дилдан қутлайди.
Янги йил ҳар биримиз учун
олам-олам қувончу
шодликка, зафарларга тўлиқ йил
бўлсин, барча
эзгу ниятларимиз рўёбга чиқсин.*





**ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗНИ КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛЛАШ УЧУН ЎҚУВ МАРКАЗИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.**



«КАРВОН БОЗОРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



**БАРЧА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ ЯНГИ — 2007 ЙИЛ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙДИ.**

**ҚАДАМЛАРИНГ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН,
БАҒРИНГ ЭСА БУТУН БЎЛСИН.
ҲАР БИР ЎТГАН КУН, ТУНЛАРИНГ
ОСМОН ҚАДАР БУЮК БЎЛСИН,
АЗИЗ ВАТАНИМ.
АЗИЗЛАР, ЯНА БИР БОР ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**





